


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)  
магистратура  
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

Кадрлар буюртмачиси:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2012 йил « 18 » 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

### 4. ИЛК БОР КИРИТИЛИШИ

Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<b>5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислигининг умумий таснифи .....</b>	4
1.1	Қўлланиш соҳаси .....	4
1.2	<b>5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи.....</b>	4
2.	<b>5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....</b>	5
2.1	Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	5
2.2.	<b>5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган талаблари.....</b> малака	7
3.	<b>5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....</b>	9
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	10
3.2.	Илмий фаолиятга қўйиладиган талаблар.....	13
3.3.	<b>5A120302- Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама хажми.....</b>	15

## 1. 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислигининг умумий таснифи

5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури амалга оширилади, унинг назарий ва аматий машғулотларида тўлиқ ўзлаштирилган, якуний давлат аттестациясидан мувоффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

### Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурининг ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Мутахассисликнинг ўқув режа ва фан дастури	Магистр	2 йил

#### 1.1. Қўлланish соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаблари 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда асосий ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга, деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим соҳасининг магистратура мутахассисликлари бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- таълим соҳаси магистратура мутахассисликларнинг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берилган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудири);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислиги – Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида тарих фанларини ўқитиш: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

ва тармок илмий-тадқиқот институтларида илмий-тадқиқот марказларида, лойиҳалаш институтларида, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида, давлат бошқаруви органларида, ҳар хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотларида мутахассисликка оид комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

### **1.2.2. SA120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассиснинг бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- фанлар академияси ва тармок илмий-текшириш институтлари ҳамда олий ўқув юр்தларининг илмий-тадқиқот бўлимлари:

- мос касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида педагогик фаолият:

- давлат бошқаруви тизимининг марказий ва маҳаллий муассасаларнинг таълим, маънавият ва маърифат соҳаси билан боғлиқ бўлимлари;

- жаҳон мамлакатлари ва минтақаларнинг моддий ва маънавий маданиятини, тарихий меросини, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, этник муносабатларини ўрганувчи халқаро ва маҳаллий ташкилотлар, жамғармалар, агентликлар;

- халқаро ва маҳаллий туризм соҳасида фаолият олиб боровчи ташкилотлар, бошқармалар, компаниялар:

- Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат муассасалари:

- Ўзбекистонда фаолият олиб боровчи халқаро ташкилотларининг ваколатхоналари, бўлимлари:

- жаҳон халқларининг моддий ва маданий меросига оид экспонатларини сақловчи музейлар:

- республикада фаолият олиб боровчи марказий ва маҳаллий архивлар:

- таълимни демократлаштириш, интеграция ва глобаллашув шароитида жаҳон мамлакатлари, минтақаларда инсоният жамияти вужудга келишининг турли тарихий даврлардаги тараққиёт босқичлари тарихи;

- жаҳон мамлакатлари ва минтақаларнинг моддий ва маънавий маданияти, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, этник муносабатлари;

- жаҳон медиєвистикаси (ўрта асрлар)нинг шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичларини ҳамда ўрта асрлар Фарбий Европаси тарихига оид манбалар таҳлили, тарихшунослик соҳасидаги ютуқлари тадқиқи:

- жаҳон мамлакатлари ва минтақаларининг турли тарихий даврлар шароитларида ички тараққиётига оид тенденциялари, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг асосий босқичлари ҳамда йўналишлари:

- хорижий мамлакатларнинг янги ва энг янги даврдаги тарихшунослиги ва манбалари:

- жаҳон тарихида мавжуд бўлган давлат тузумларининг шаклланиш жараёнлари ва уларнинг муайян шароитларда таназзулга учраш қонуниятлари:

- жаҳон мамлакатлари тарихининг долзарб муаммолари бўйича барча даврлардан илмий изланишлар.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

### **1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *Илмий-тадқиқот фаолияти;*
- *Ишлаб чиқариш фаолияти;*
- *Ташкилий-бошқарув фаолияти;*

- *Олий, малака ошириши ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида (ўрнатилган тартибда);*

- *Турли хизматлар қўрсатиши кабиларни ўз ичига олади.*

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгартиришлар бўлиши мумкин.*

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) магистрларнинг касбий мослашув имкониятлари:**

*5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислиги битирувчилари кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълимини олиши мумкин.*

Шунингдек, магистрлар касбий мослашув имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари:**

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок ИТИларда докторант ва мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

## **2. 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

**2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши;

- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- миллий маънавий ва умуминсоний кадриятлар бўйича ўз нуқтаи-назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;

- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ходисалар хақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси хақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётга ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;

- шахсининг инсон, жамият, атроф-муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиши;

- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;

- ўзининг индивидуал билимларига таянган ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;

- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқни аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- илмий фаолияти натижаларини хис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулиятга эга бўлиши;

- касбий фаолиятда ўзлаштирилган фанларнинг асосий қонуңларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;

- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши;

- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;

- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш қўникмаларига эга бўлиши;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;

- патент олиш учун меъёрий иш ҳужжатлар тайёрлай олиши;

- давлат, нодавлат ва ношароит ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

### **Магистр:**

- мутахассисликлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- мутахассисликлари доирасида танланган мутахассислик бўйича олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок ИТИларда докторант ва мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

#### **Илмий - тадқиқот фаолиятида:**

- касбий фаолиятига мос илмий адабиётларни, илмий тадқиқот лойиҳаларини ва янги илмий натижаларни ўрганиш;

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш;

- илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш;

- интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар хақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

#### **Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

- ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш ва мониторингини олиб бориш;

- фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбир этиш;
- иктисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш;
- амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш *қобилиятларига эга бўлиши лозим*;

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариши;
- замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- нодавлат ва нотижорат ташкилотларда, хусусий тадбиркорлик субъектларида маънавий-маърифий ишлар бўйича менежер сифатида фаолият юритиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш *қобилиятига эга бўлиши лозим*.

#### **Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларидаги педагогик фаолиятда (ўрнатилган тартибда):**

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб бакалаврият ва магистратура ўқув режаларида ўзлаштирилган фанлар доирасида назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меърий ҳужжатларни ишлаб чиқиш *қобилиятига эга бўлиши лозим*.

#### **Турли хизматлар кўрсатиш:**

- мутахассисликка мос маслаҳатчилик хизмати;
- тадқиқ қилинган мавзулар бўйича аниқ маълумотларга эга бўлиш;
- кутубхоналарда, ахборот-ресурс марказлари, вақтли матбуот саҳифалари, архив маълумотларидан фойдалана олишга оид методик фаолиятни амалга ошириш;
- мамлакатимиз музейларида сакланаётган ноёб экспонатларни мавзунини ёритишда фойдалана олиш;



– магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойихаларни экспертиза килиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида катнашиш;

– пуллик таълим хизмати;

ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

### **3. 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бакалаврият таълим йўналишининг ўқув режаси ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

умумметодологик фанлар:

мутахассислик фанлари:

илмий фаолият.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режа ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустакил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар ўқув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши лозим.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахсининг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёни машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва х.к.) шаклларни ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фанларнинг ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ ўқув режа ва фан дастури ўқув фанлари (модулялари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни камраб олиши керак.

Магистратура мутахассислиги ўқув режасига мувофиқ равишда магистрлик диссертациясининг химояси билан тугалланиши шарт.

### **3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар** **Умумметодологик фанлар блоки:**

илмий–тадқиқот методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хулосаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усулларини фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фарқини билиши:

таълимга технологик ёндашув, ўқув мақсадларини аниқлаштириши, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириши ва ташкил этиши:

амалий хорижий тилни ўзлаштириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг магистратура мутахассисликлари ўқув режаларидаги умумметодологик фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

### **Мутахассислик фанлари блоки:**

Қадимги Осиё малакатлари тарихига оид асосий манбалар ва тарихшунослик тадқиқотлари;

тарихшунослик тадқиқотларнинг қадимги дунё мактаблари;

қадимги Осиё тарихининг тарихшунослиги ва унинг назарий муаммолари;

қадимги Месопотамияга оид манбалар ва уларнинг ўрганилиши масаласи: моддий маданият ёдгорликлари; хўжалик ҳужжатлари; юридик ҳужжатлар; дипломатик ҳужжатлар ва уларни таҳлил этиш масаласи;

қадимги Месопотамия тарихшунослиги;

қадимги Миср манбалари ва тарихшунослиги;

антик замон муаллифлари; археологик текширишлар тарихи; ёзув ёдгорликлари ва уларни тадқиқ этиш масаласи;

Кичик Осиё ва Кавказorti мамлакатлари тарихига оид манбалар ва тарихий адабиётлар;

Хетт подшолиги тарихига оид манбалар ва тарихий адабиётлар;

Фригия ва Лидия подшоликлари тарихига оид манбалар ва тарихий адабиётлар;

Шаркий Ўрта ер денгизи мамлакатлари ва Арабистон тарихига оид манбалар ва тарихий адабиётлар;

қазинмалар, ёзма манбалар, қадимги Эрон ва Ўрта Осиё мамлакатлари тарихига оид манбалар ва тарихий адабиётлар;

қадимги Ҳиндистон тарихига оид манбалар ва тарихий адабиётлар;

қадимги Хитой тарихига оид манбалар ва тарихий адабиётлар;

илк ўрта асрлар Европа давлатлари тарихини акс эттирувчи манбаларни таркибий таҳлили;

хўжалик ва ҳуқуқий ҳужжатларни туркумлаш ва қиёсий таҳлил этиш;

ривожланган ўрта асрлар Европа давлатлари (Англия, Франция, Италия, Германия) тарихини акс эттирувчи манбалар тарихий манба сифатида эканлиги;

янги турдаги манбаларни пайдо бўлиши ва уларни ўзига хос хусусиятлари;

ўрта асрлар Европаси манбашунослигининг ривожланишидаги асосий босқичлар ва уларнинг тавсифи:

ўрта асрлар Европаси манбашунослигининг асосий муаммолари; ўрта асрлар

Европаси тарихшунослигининг вужудга келиши ва ривожланишининг асосий босқичлари;

Европа инсонпарварлик мактабларини вужудга келиши;

Европада реформация ва контрреформация тарихини акс эттирувчи ҳужжатлар;

Европадаги асосий тарихий мактаблар;

тарихий баҳолашдаги ёндашувлар ва тенденциялар;

Ўрта асрлар Европаси тарихшунослигининг асосий тавсифий хусусиятлари ва унинг асосий муаммолари. сўнги ўрта асрлар тарихшунослигининг ўзига хос хусусиятлари. ўрта асрлар тарихини тадқиқ этувчи-медиевистлар фаолиятини, тарихга янгича қарашнинг илмий аҳамияти;

янги ва энг янги даврга оид асосий манбалар;

Европа ва Осиё мамлакатларнинг янги ва энг янги тарихига оид манбаларни танқидий таҳлил қилишнинг асосий тамойиллари;

XVIII аср француз, немис ва инглиз маърифатчилигининг тарихий қарашлари;

XVIII аср Россияси тарихий тафаккурида рационалистик ғоялар ва маърифатчилик оқимлари;

XIX асрда Англия, Россия, Франция, Германияда тарихий тафаккур ва тарих фанининг ривожланиши;

XX аср француз, герман, рус тарихшунослиги;

Италия, Австрия, Венгрия, Польша тарихшунослиги;

Осиё мамлакатлари тарихшунослиги ва манбашунослиги;

замонавий сиёсий назарияда тоталитаризм ва мустабид тузум тушунчалари;

собик иттифок тарихига оид манбалар базасини, совет даври адабиётлари: танқидий таҳлили;

замонавий Ғарб советшунослиги: асосий ёндашувлар;

Россияда октябр тўнтарилишининг тарихий замини;

Россия тарихий ривожланишининг асосий хусусиятлари;

жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар: ислохотчилик масаласи; рус радикал зиёлилари;

XX аср бошида Россиянинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши;

1905-1907 йиллар инқилоби. Биринчи жаҳон урушининг таъсири;

1917 йил феврал тўнтарилиши, икки ҳокимлик, Корнилов исёни, большевиклар партиясининг стратегияси ва тактикаси, октябр тўнтарилиши, Россияда 1917 йил октябр воқеаларининг тарихий заминлари;

Евросиё устидан мустабид назоратнинг ўрнатилиши, Евросиё империясининг барпо этилиши, XX асрнинг 20-30 йилларида ички партиявий кураш, большевиклар ва миллий масала, мажбурий коллективлаштириш;

мафкуравий сиёсат, дин, миллий масала, диссидентлар ҳаракати, ҳокимиятнинг геронтокрatik тавсифи;

собик иттифок ошқоралик даврида, иқтисодий инкироз, сиёсий ва мафкуравий инкирозининг этилиши, иттифокчи республикаларда миллий ҳаракатларнинг ўсиши, сиёсий ҳокимиятга партия монополиясининг қулаши, 1991 йил август воқеалари, собик иттифокнинг емирилиши, янги мустақил давлатнинг ташкил топиши;

Жаҳон харитасида янги мустақил Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши ва халқаро майдонда мустақил сиёсат юрити бошлаши;

янги давлатнинг тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик учун доимо қатъий кураш олиб бориши;

глобаллашув шароитида Европа ва Осиё мамлакатларининг Ўзбекистон билан алоқаларининг бошланиши, Ўзбекистон Европа ва Осиё мамлактлари билан ҳамкорлиги учун улкан имкониятлар мамлакати эканлиги;

Марказий Осиёдаги минтақавий интеграцион жараёнларнинг бошланиши ва унинг илмий-назарий ва методологик асослари, глобаллашув жараёни, минтақавийлик ва миллий давлатчилик сиёсати;

Глобаллашув шароитида Марказий Осиё интеграцияси муаммолари ва бошқа жихатларни тўғри таҳлил қилиш;

Республикамизнинг иқтисодий юксалиши ва янги саноатсозликнинг барпо этилишида Европа ва Осиё мамлакатлар билан ҳамкорликнинг ҳиссаси;

Ўзбекистон Ўзбекистоннинг Европа ва Осиё халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда алоқаларининг бошланиши;

жаҳон ҳамжамиятида фаол иштирок этиш ва Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ва уларга мос келадиган кўп томонлама сиёсат, глобализация жараёнлари шароитида Европа ва Осиё мамлакатларининг Ўзбекистон билан муносабатларининг кенгайтирилиши ва мустақамланиши, замонавий ҳамкорлик;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига кен қўламда интеграциясини амалга оширишга оид стратегик вазифаларни ҳал этиш масалалари;

магистратура мутахассислиги бўйича назарий ва амалий билимларни, уқув ва кўникмаларни шакллантириши;

магистратура мутахассислиги бўйича билимлар базасини яратиш, жамлан ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;

магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

*Таълим фаоллари:*

*Таълим фаоллари таркиби ва мазмуни соҳа бўйича республика ҳамда хориждаги етакчи мутахассис-олимларнинг муаллифлик курслари ва муаммоли маърузалари асосида, фан, иқтисодиёт, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талаблари асосида шакллантирилади ҳамда белгиланган аудитория соатларининг маишулот турлари бўйича тақсимоти ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

### **Курс ишига қўйиладиган талаблар**

Курс иши мазмуни масъул кафедра қарори билан мутахассислик фаоллари доирасида белгиланиб мазкур фан бўйича олинган билимларни бойитишга хизмат қилиши керак.

### **3.2. Илмий фаолиятга қўйиладиган талаблар:**

**Илмий фаолият:** илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини, магистрлик диссертациясини тайёрлашни, илмий семинар ва илмий амалиёт (стажировка)ни назарда тутиши лозим.

### **Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар**

Илмий-тадқиқот иши ОТМнинг илмий-тадқиқот лабораторияларида, академик ва соҳа илмий-тадқиқот институтларида, корхона ва ташкилотларнинг тадқиқот бўлинмаларида ўтказилади.

Илмий-тадқиқот ишларни таълим муассасаларида, илмий марказларда, чет эл мамлакатларининг корхоналари ва ташкилотларида икки тарафлама ёки бошқа битимлар асосида ўтказишга рухсат этилади.

Илмий-тадқиқот ишининг ҳажми, ташкилий ва илмий-методик таъминланиши кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрловчи кафедра томонидан ишланган дастурда белгиланади;

*Илмий-тадқиқот иши:*

– магистратура мутахассислиги бўйича объектлар ва жараёнларнинг намунавий моделлари ва уларни тадқиқ қилиш методикаларини ўрганиш;

– экспериментал тадқиқотларни бажаришда қўлланиладиган стендлар, замонавий аппаратуралар ва бошқа жиҳозларни ўрганиш ва баён қилиш;

– ахборот технологияларининг замонавий воситалардан фойдаланиб илмий-тадқиқотларни ўтказиш;

– экспериментал тадқиқотлар натижаларига ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш ва

акс эттириш, хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш, тавсияларни ишлаб чиқиш:

- мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини шакллантириш;
- фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билнш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланишни назарда тутати.

### **Илмий-педагогик ишга бўлган талаблар**

Илмий-педагогик иш ОТМ ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида ўтказилади. Шунингдек, мутахассислигига мос ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида ҳам ўтказилиши мумкин. Илмий-педагогик иш икки тарафлама ва бошқа битимлар асосида хориж мамлакатлари олий таълим муассасаларида ҳам ўтказилиши мумкин.

#### *Илмий-педагогик иш:*

– замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбияўларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириш:

– ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш, ўқув ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим:

шунингдек:

– махсус фанлар бўйича машғулотларнинг ҳар хил турлари: маърузалар, амалий ва бошқа машғулотларни ўтказиш бўйича стажировка:

– маъруза матнлари ва машғулотларни ўтказиш режаларини тузиш:

– янги педагогик ва ахборот технологияларни ўрганиш ва қўллаш:

– талабалар билимини баҳолашда рейтинг-назорат тизимини қўллаш:

– талабалар мустақил ишнинг ташкилий ва ўқув-методик таъминлашни ўрганиш:

– услубий кўрсатмаларни тузиш:

– тарбиявий ишларни ўтказишнинг назарда тутати.

### **Магистрлик диссертациясига бўлган талаблар**

Магистрлик диссертацияси мавзулари соҳанинг ривожланиш истикболи ва фан, таълим, техника, технология, иктисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг мутахассислар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Магистрлик диссертацияси мавзусини танлаш ва илмий раҳбарни тайинлаш биринчи ўқув йилининг биринчи икки ойи давомида амалга оширилади. Ишнинг бажарилиши мос мутахассислик бўйича фан доктори илмий даражаси ёки мутахассислар тайёрловчи кафедра бўйича ушбу таълим муассасасида фаолият кўрсатувчи илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ўқитувчи илмий раҳбарлигида бажарилади. Илмий маслаҳатчилар сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюрolari ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали мутахассислари таклиф қилиниши мумкин.

Магистрлик диссертациясининг мазмуни *тизимлаштирилган кўришида* илмий-тадқиқот (ёки илмий-техникавий ечим) нинг дастлабки асосларини, унинг бажарилиб боришини ва олинган натижаларини қайд қилиши керак. Бунда илмий асослар (ёки илмий-техникавий ечимлар) ҳар тарафлама таҳлил қилиниши, мавжуд муқобил вариантларда кўриб чиқилиши ва улардан бирининг танланишига асосланиши лозим.

Магистрлик диссертацияси натижалари бўйича олинган маълумотни матн ёки кўргазмали материал кўринишида мустахкамланади, унда муаллиф томонидан мавзунинг назарий ёки амалий аҳамияти исботланади. Матн ва кўргазмали материал *ҳажми ва мазмунининг тавсифи* магистрлик диссертацияси мавзусининг йўналиши (илмий ёки илмий-техникавий) ва мутахассислар буюртмачилари талабларига боғлиқ ҳолда мутахассислар тайёрловчи кафедра томонидан белгиланади.

Белгиланган муддатда бажарилган магистрлик диссертацияси Давлат аттестацияси

комиссиясиغا: илмий раҳбар *дўхтур*, соҳа бўйича илмий ходим ёки мутахассис-*ташиқи тақризи* ва мос мутахассисликнинг магистр таълим дастури бўйича шахсан ёки бажарилганлиги ҳақидаги *маълумотнома* билан бирга тақдим этилиши лозим.

Магистрлик диссертацияси Давлат аттестация комиссияси ва жамоа олдида химоя қилинади.

#### **Илмий семинарга бўлган талаблар**

Илмий семинар магистратура талабаларида тадқиқот ишларини олиб бориш ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаш кўникмаларини шакллантиришга, магистрантнинг назарий-методологик тайёрларини чуқурлаштириш ва йўналтиришга, илмий-тадқиқот фаолияти технологияларини амалий эгаллашларини таъминлашга йўналтирилган. Илмий семинарнинг асосий мақсади магистратура талабаларида илмий коммуникация кўникмасини шакллантириш, илмий-тадқиқот иши натижаларини ушбу турли босқичларида муҳоказасини ташкил этишдан иборат. Илмий семинар ОТМ да ёки ЎзФА ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида 1, 2, 3 семестрлар мобайнида ўтказилади.

#### *Илмий семинар:*

– магистрлик диссертация мавзуси бўйича талабаларни (старелниклар, ўқув қўллашчилар, илмий раҳбарлар, профессорлар, маърузалар, услубий адабиётлар ва ҳаёт) ўрганиш;

– маълумотларнинг қисқартirilgan ва умумлаштириш;

– амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўйича маъруза тайёрлаш ва илмий семинарда маъруза қилишнинг назарда тутилди.

#### **Илмий амалиёт (Стажировка).**

Илмий амалиёт илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини бажариш жараёнида амалга оширилади. Илмий амалиёт (Стажировка) магистратура мутахассислиги бўйича мақсадли касбий таълим ўқув режа ва дастурларини ўзлаштириш, магистратура талабаларида илмий-тадқиқот компетенцияларини шакллантириш, таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини ривожлантириш йўли орқали магистрлар энг янги илмий-техник ривожланишдаги ютуқлар ҳамда иқтисод, фан, техника, маданият ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги замонавий техника ва технологиялар базасида илмий тадқиқот ишлари, тақово этишда индивидуал илмий излашнинг ва тажриба-синовларини ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

#### *Илмий амалиёт (Стажировка):*

– илмий тадқиқот олиб бориш, назарий ва амалий bilimларни чуқурлаштириш;

– бошқа соҳа ва тармоқларидаги замонавий техника ва технологияларда қўлланилиши билан таништириш;

– амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларини шакллантириш;

– касбга самарали мослашувини таъминлашнинг лозим.

Бунда илмий амалиёт (стажировка)га йўлланган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида ҳам бажариши кўзда тутилади. Ушбу ҳолатда стажировкани ташкил этиш тартиб-қоидалари амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат (Низом) асосида олиб борилади.

### **3.3. 5A120301 – Ўзбекистон тарихи магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтага 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда (қундузги) ўқини шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтага - 30 соатгача қилиб белгилашнинг мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустакил таълим учун ажратилган.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фанлар дастури маълумоти олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билим олиш беришни кўзда tutган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингентини хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик турухлари учун маъруза соатлари ҳажми ақил ва вақтнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 40 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштирилишида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилгани зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқинишнинг норматив муддати 2 йил бўлиганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Назарий таълим ва илмий фаоллик:	54 ҳафта
Аттестациялар ва давлат аттестацияси:	7 ҳафта
Илмий амалиёт (семинарлар):	21 ҳафта
Таътиллар:	18 ҳафта
<b>Жами</b>	<b>100 ҳафта</b>

Таълим дастурида ўзлаштирилади. Бир қанча масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

Ўқиниш даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши зарур:

- назарий таълим - 35-55 %;
- аттестация - 4-7 %;
- таътиллар - 15-20 %;
- илмий фаоллик - 45-65 %.

Илмий фаоллик магистратура талабасининг яқка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлиниши:

- илмий тадқиқот иши, илмий-педагогик иш ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш - 40-60 %;
- илмий семинар - 10-20 %;
- Илмий амалиёт (семинарлар) - 20-50 %.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

- умумметодологик фанлар - 10 %;
- мутахассислик фанлари - 54 %;
- танлов фанлари - 30 %.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002:651.1/7

Гуруҳ Т.55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

Қадимги Осиё, ўрта асрлар Европаси, тарихшунослик, манбашунослик, антик, миҳхат, иероглиф, хама, бак, рубаум, сепат, сугал, ном, эн, акинак, қадимги Месопотамия, Қадимги Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Қадимги Хитой, Чуньцу, тамкор, колония, Аннам, Англия, Франция, Италия, Германия, инсонпарварлик, маданият сипоҳийлар, сипоҳсор, ЯИС(НЭП), коллективлаштириш, диктатура, янги саноатсозлик, ислохотчилик сиёсати, глобаллашув, суверен, анжуман, замонавий технология, сиёсий-стратегик имкониятлар, глобаллашув, декларация, мустабид, тоталитаризм, антик, рационалистик, модернизация, абсолютизм, дипломатик ҳужжатлар, капитализм, тенденция, Мустақил Ўзбекистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё ва Тинч океани, Япония, Хитой, Жанубий Корея, ҳамкорлик, дўстлик, тинчлик, хавфсизлик, халқаро муносабат, халқаро институтлар, халқаро ташкилотлар, суверен давлатлар.



Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Ўзбекистон Миллий университети




М.Ў.

Ректор  А.Р.Марахимов

2018 йил « 04 » 08

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти



М.Ў.

Директор  Р.М.Абдуллаев

2018 йил « 04 » 08

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини  
Ривожлантириш маркази



М.Ў.

Директор  проф. Б.Х.Рахимов

2018 йил « 07 » 08

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти



М.Ў.

Ректор  проф. А.М.Маннонов

2018 йил « 07 » 08

Самарканд Давлат университети















М.Ў.


Ректор  проф. Р.И.Халмурадов

2018 йил « 07 » 08

Ўзбекистон Миллий университети 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича),  
 5120400 – Археология, бакалавр таълим йўналишлари ва уларнинг негизидаги 5А120301  
 – Ўзбекистон тарихи, 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича), 5А120303 –  
 Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича), 5А120304 –  
 Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича), 5А120401-  
 Археология, 5А120402-Этнография, этнология ва антропология магистратура  
 мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи  
**ИШЧИ ГУРУХ ТАРКИБИ**


Т/р	Ишчи гуруҳ ранси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
1	Джумабаев Д.	ЎзМУ ўқув ишлари бўйича проректори, профессор	
Аъзолари:			
2	Хайдаров И.	ЎзМУ ЎУБ бошлиғи	
3	Толипов Д.	ЎзМУ ЎУБ бошлиғи муовини, доцент	
4	Муминов А.	Тарих факультети декани	
5	Чориев Ш.	Тарих факультети декани муовини	
6	Юнусова Х.	ЎзМУ профессори, Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири	
7	Ўроков Д.	ЎзМУ доценти, Жаҳон тарихи кафедраси мудири	
8	Очилдиев Ф.	ЎзМУ доценти, Археология кафедраси мудири	
9	Рахмонқулова З.	ЎзМУ доценти, Манбашунослик ва архившунослик кафедраси мудири	
10	Холиқулов А.	Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти	
11	Шоназаров Ш.	ЎзМУ археология кафедраси катта ўқитувчиси	
12	Ўсаров У.	Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси	

Ўқув ишлари бўйича проректор  Джумабаев Д.











Декан  Муминов А.



## Ижодий гуруҳ раиси ва аъзолари

Ижодий гуруҳ раиси	А.Муминов	Тарих факультети декани	
Ижодий гуруҳ раиси Ўринбосари	Д.Ураков	Жаҳон тарихи кафедраси мудири	

## Ижодий гуруҳ аъзолари

Т/р	Ўқув фанлари (курслар)и нинг номи	Таянч ОТМдан		Турдош ОТМдан, асосий кадрлар истеъмолчилардан	
		Ф.И.Ш., ловозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо	Ф.И.Ш., ловозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо
2.00	<b>Мутахассислик фанлари</b>				
2.01	Қадимги Осиё тарихи тарихшунослиги ва манбашунослигининг назарий муаммолари	Махмудов О.А. тарих фанлари номзодии, доцент		Исмагуллаев.Ф Тарих фанлари номзоди. доцент	
2.02	Ўрта асрлар Европаси тарихи тарихшунослиги ва манбашунос- лигининг долзарб масалалари	Ураков Д.Ж. тарих фанлари номзоди. доцент.		А.Худойбердиев Тарих фанлари номзоди, доцент	
2.03	Янги ва энг янги давр тарихи тарихшунослиги ва манбашунослиги: ривожланишнинг асосий йўналишлари	Габриэльян С.И., тарих фанлари номзодии, проф.в.б.		У.Абдуллаев Тарихфанлари номзоди	
2.04	XX асрда Евросиёда сиёсий жараёнлар:: мустабид тузумнинг кулаши	Ураков Д.Ж. тарих фанлари номзоди. доцент.		В.Ишқувватов Тарих фанлари номзоди, доцент	
2.05	Глобаллашув шароитида Европа ва Осиё мамлакатларининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги	Турсунов Р.Н. тарих фанлари номзоди. доцент в.б.		Исмагуллаев Ф Тарих фанлари номзоди, доцент	

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида келишув**

**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент шаҳри

“04” 08 2018 й

Биз қуйида имзо чекувчилар – ЎзР ФА тарих институти директори т.ф.д. Р.М.Абдуллаев, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори проф. А.М.Маннонов, Самарқанд Давлат университети ректори проф. Р.И.Халмурадов, Ўзбекистон Миллий университети ректори проф. А.Р.Марахимовлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ПҚ-2909-сонли 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш” тўғрисидаги қарорини ижросини таъминлаш мақсадида ЎЗМУда ишлаб чиқилган қуйида келтирилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг Малака талаблари ҳамда ўқув режалари мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик.

Бакалавр таълим йўналишлари:

5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)

5220300 – Архившунослик

5120400 – Археология

Магистратура мутахассисликлари:

5A120301 – Ўзбекистон тарихи,

5A120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича),

5A120303 – Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (давлат идоралари, жамоат, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, сиёсий партияларда ўрта бўғин раҳбарлари),

5A120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари (мамлакатлар бўйича)

5A220301 – Хужжатчилик, хужжатшунослик ва архившунослик

5A120401-Археология.

5A120402-Этнография, этнология ва антропология.

5A120403–Этногенез (ўзбек халқининг этник тарихи)

Юқорида берилган бакалавр таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари мазмуни ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

Малака талабларнинг қайта ишлаб чиқилишида: фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий машғулотларига ажратилган юкламалар ҳажми, фанларнинг семестрларда ўқитилиш кетма-кетлиги ҳамда малакавий амалиётларни ўтказиш муддатлари тўғри шакллантирилган.

Ишлаб чиқилган малака талаблар ва ўқув режаларни ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори

Марахимов А.Р.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти директори

Абдуллаев Р.М.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори

Маннонов А.М.

Самарқанд давлат университети ректори

Халмурадов Р.И.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини турдош Олий таълим муассасалари билан

## КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

“04” 08 2018 й

**Қатнашдилар:** А.М.Маннонов – ТДШИ ректори, С.Умарова – ТДШИ ЎУБ бошлиғи, И.Ҳайдаров – ЎЗМУ ЎУБ бошлиғи, Д.Талипов – ЎЗМУ ЎУБ бошлиғи муовини. Ўқув ишлари бўйича декан муовини – 11 киши, кафедра мудирлари – 17 киши, сифат комиссияси раиси – 11 киши, турдош ОТМ вакиллари – ТДШИ, ФарДУ, НамДУ, СамДУ, БухДУ, ҚаршиДУ, ҚҚДУ, АнДДУ, УрДУ – жами 24 киши ҳамда 34 нафар ЎМБ вакиллари.

### КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети Ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори” асосида таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларининг муҳокамаси:

**Таълим йўналишлари:**

5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)

5120400 – Археология

**Магистратура мутахассисликлари:**

5A120301 – Ўзбекистон тарихи.

5A120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича).

5A120401-Археология,

5A120402-Этнография, этнология ва антропология.

**Сўзга чиқди: С.Умарова - Ўқув-услубий бирлашма котиби, доцент.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ИҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ИҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг интироқини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ИҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ИҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ИҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Миллий университетининг тажрибали профессор-ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилган. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари учун кадр истемолчилари талаблари ва хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ЎЗМУ таянч ОТМ этиб белгиланган бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари учун такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Марҳамат, ушбу малака талаблари ва ўқув режалар сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилинмоқда. Мазкур меъёрий ҳужжатларни таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича шўъбаларда кўриб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришингизни сўрайман. Сизларнинг билдирган фикр-мулоҳазаларингиз асосида тегишли тузатишлар киритилиб, ОЎМТВ га тасдиқлаш учун топширилади.

**Сўзга чиқди: т.ф.н. Н.Холматов Самарқанд Давлат университети доценти:** ЎЗМУ тарих факультетида ишлаб чиқилган 2 та бакалаврият йўналиши ва уларнинг истеъмолини 6 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари истеъмолини ташкилотлар ва турдон ОТМлари томонидан билдирилган таклифлар инobatга олинган ҳамда барча меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб беради. Шундан келиб чиқиб, турдон ОТМ вакили сифатида ЎЗМУ профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча малака талаблари ва ўқув режаларни тасдиққа тавсия этиш мумкин.

**доп. Д.Ж.Ўроқов, ЎЗМУ Жаҳон тарихи кафедраси муdiri:** Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқилишида бугунги кун талабидан келиб чиқиб бир қатор асосий вазифалар эътиборга олинган. Жумладан:

замонавий цивилизация ва унинг тараккиёт йўналишларини шакллантириш, талабаларга илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, амалдан қолганлар ва қоидаларга доир билимларни таъминлашнинг ҳамда амалий хорижий тилини, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларни ўзлаштиришни таъминлашга, мутахассислик бўйича билимлар базасини яратилиш ва уларни фойдалана олинган кўникмаларини ривожлантиришига катта эътибор қаратилган.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларни тасдиқлашга тавсия этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

**Очилов Ф.Б.**, ЎзМУ Археология кафедраси муdiri: 5120400 - *Археология* таълим йўналишига бўйича ишлаб чиқилган малака талабларида бакалаврларнинг касбий фаолиятлари ва амалиётга қўйиладиган малака талаблари имкон қадар барча турдош ОТМ ва истеъмолчи ташкилотларнинг таклифлари инобатга олинган.

**Г. т.ф.д. Х.Э.Юнусова**, **ЎзМУ Ўзбекистон тарихи кафедраси муdiri:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг юкорида номлари келтирилган бир қатор қорорлари ва Ўзбекистон Республикаси соҳага оид қонунлари ҳамда меъёрий ҳужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида, олий таълим тизими ривожлантириш мақсадида жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасалари тажрибалари инобатга олинган ҳолда университетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган малака талаблари ҳамда ўқув режалари қўйилган талабларни ўзида тўлиғича акс эттирган ва меъёрий талабларга тулик жавоб беради. Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари кадр истеъмолчи ташкилотлар ва турдош ОТМлари вақитлари, етуқ мутахассисларни жалб этган ҳолда, қайта ишлаб чиқилди. Шунингдек, мазкур малака талаблари ва ўқув режалар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, талабаларнинг тарих таълим йўналишлари бўйича чуқур билим қўшимча ва малакаларни бажаришга мўлжалланган. Шунинг учун ишлаб чиқилган барча малака талаблари ва ўқув режаларни маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия биламан.

Қўш тартибдаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида муҳокамадан сўнг

#### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иншироқини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “2018-2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июлдаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иншироқини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июлдаги “олий таълим муассасаларининг янги 2018-2019 ўқув йилига самарали тайёрларлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

#### **Таълим йўналишлари:**

- 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)
- 5120400 – Археология

#### **Магистратура мутахассисликлари:**

- 5A120301 – Ўзбекистон тарихи,
- 5A120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича),
- 5A120401 – Археология,
- 5A120402 – Этнография, этнология ва антропология.

Асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирлик, идораларо ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишли илмий-тадқиқот институтлари. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тармоқ ИТИларида экспертизадан ўтказилди.

2. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларида турдош ОТМларининг таклиф ва эътирозлари инобатга олинган.


3. Ишлаб чиқилган малака талабини ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига топширилсин.

Мажлис раиси



Д. Дзумабаев

Котиб



Ш. Чориев





**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети**  
**Тарих факультетида тайёрланган 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва**  
**мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассислиги**  
**малака талабларига**  
**ТАҚРИЗ**

Истиқлол йилларида илм-фан соҳаси ва таълимда туб ислохотлар, янги ланишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, таълим тизимининг энг муҳим бўғинларидан бўлган олий таълим тизими таракқиётини янги босқичга олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг дунёнинг ривожланган мамлакатлари каторидан ўрин олишида хал килувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини янада ривожлантиришга хизмат килувчи, интеграция шароитида ўзига хосликни сақлаган ва жаҳон таълим тизимига мослашиш тамойилларига амал қилишда инсоният жамияти тарихий таракқиёт босқичларини янада ўзлаштириш ва уни ўрганиб тадқиқ, таҳлил этиш муҳим ўрин тутди. Шу боисдан тақризга тақдим этилган 5A120302- Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассислиги Малака талабларида акс этган бўлиб, унда шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талабларига асосланган ҳолда узлуксиз таълимни вазифаларидан таълим, фан ва ишлаб чиқаришни узвий боғлиқлигини ҳам ҳисобга олган ҳолда тайёрланган.

Малака талаблари буюртмачиларнинг талабларига жавоб беради. У давлатчилик, давлат бошқарувидаги ички ва ташқи сиёсат масалалари бўйича давлат ва жамият таракқиётига хизмат қилади.

Малака талаблари ривожланган хориж мамлакатларининг етакчи олий ўқув муассасалари тажрибаларини атрофлича ўрганиб, маҳаллий тажриба, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилганлиги унинг мазмунида акс этган.

Уни 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган Давлат таълим стандарти малака талаби сифатида қабул қилиш мумкин. Шунинг учун уни тасдиқлашга тавсия қилиш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси ФА**

**Тарих институти директори**

**т.ф.д. Р.М.Абдуллаев**



**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
Тарих факультетида тайёрланган 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва  
мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассислиги  
малака талабларига  
ТАҚРИЗ**

Ушбу малака талаблари 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) магистратура таълим йўналиши бакалавр тайёрлаш таълим дастурининг ўзлаштирилишини амалга оширишда бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ва таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари келтирилган.

Малака талаблари 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) бакалаврият эгаллаш бўйича умумевропа таълим тизимини татбиқ қилган ҳолда халқаро талабларга мослаштирилган. Европа ва АҚШ стандартларида келтирилган чет тиллар бўйича таълимнинг бакалаврлар бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблари киритилган. Компетентлик талаблари халқаро стандартларга яқинлаштирилган ҳолда умуммаданий ва касбий нуктаи назардан қайта кўриб чиқилган. Битирувчиларнинг ихтисослик ва касбий фаолият турлари ва соҳалари қайта кўрилган.

Мазкур малака талабларида ихтисослик фанлари тарих фани мутахассислар етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олинган. Шу нуктаи назардан мазкур малака талабларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш мумкин. Шунингдек, малака талаблари ўқув жараёнларида тадбиқ этилиши мумкин.

**Низомий номидаги ТДПУ**

**Тарих факультети декани т.ф.н**



**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети**  
**Тарих факультетида тайёрланган 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва**  
**мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассислиги**  
**малака талабларига**  
**ТАҚРИЗ**

Ҳозирги кунда жаҳон тарихига ҳусусан илм-фанга бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Ўзбекистон жаҳоннинг тараккий этган давлатлари каторидан ўрин олишида ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида илм-фан ютуқларига этиборни кучайтириб бормоқда. Зеро, олий таълим тизими ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш масаласи миллий тараккийёт стратегияси билан боғлиқ масала ҳисобланиб, бундан кўзланган мақсад жаҳон меҳнат бозори учун рақобатбардош миллий кадрларни тайёрлаш, жамият тараккийётини соҳавий таъминлашни миллий талаб ва эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш ҳозирги замоннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу жиҳатлар тақризга тақдим этилган 5A120302- Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) бакалавр мутахассислиги Малака талабларида акс этган бўлиб, унда шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талабларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ушбу малака талаблари буюртмачиларнинг талабларига тўлиқ жавоб беради. У жаҳон тарихи дунё давлатларининг ички ва ташқи сиёсати маданияти масалалари бўйича етук мутахассис кадрларни зарурий билим эгаллашларини таъминлайди.

Мазкур тақдим этилган малака талаблари ривожланган чет-эл мамлакатларининг етакчи институт ва университетлари тажрибаларини ўрганиб, маҳаллий тажриба, мавжуд талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Уни 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) бакалавр мутахассислиги бўйича талабалар тайёргарлик даражасини оширади деб

ҳисоблаш мумкин ва зарурий билимларни тақдим эта олади. Шу билан бирга ушбу тақдим этилган малака талабларини Давлат таълим стандарти малака талаби сифатида қабул қилиш мумкин. Шу жиҳатдан уни тасдиқ учун тавсия қилиш мумкин.

ТДШИ “Хорижий мамлакатлар тарихи”

кафедраси мудири

*U. A. Abdullayev*  
**U. A. ABDULLAYEV**

т.ф.н. У.А.Абдуллаев

Қўй имс. лектори

*U. A. Abdullayev*  
**KADRLAR BO'LIMI**

*U. A. Abdullayev*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 5A120301-

**Ўзбекистон тарихи магистратура мутахассислиги учун янгидан  
яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар  
истеъмолчиларининг магистратура мутахассислиги битирувчилари  
касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий  
компетентлик) талаблари**

**Илмий фаолият:** илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар  
бажарилишини, магистрлик диссертациясини тайёрлашни, илмий семинар  
ва илмий амалиёт (стажировка)ни назарда тутиши лозим.

### **Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар**

Илмий-тадқиқот иши ОТМнинг илмий-тадқиқот лабораторияларида,  
академик ва соҳа илмий-тадқиқот институтларида, корхона ва  
ташкилотларнинг тадқиқот бўлинмаларида ўтказилади.

Илмий-тадқиқот ишларни таълим муассасаларида, илмий  
марказларда, чет эл мамлакатларининг корхоналари ва ташкилотларида  
икки тарафлама ёки бошқа битимлар асосида ўтказишга руҳсат этилади.

Илмий-тадқиқот ишининг ҳажми, ташкилий ва илмий-методик  
таъминланиши кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган  
ҳолда кадрлар тайёрловчи кафедра томонидан ишланган дастурда  
белгиланади;

*Илмий-тадқиқот иши:*

– магистратура мутахассислиги бўйича объектлар ва жараёнларнинг  
намунавий моделлари ва уларни тадқиқ қилиш методикаларини ўрганиш;

– экспериментал тадқиқотларни бажаришда қўлланиладиган стендлар,  
замонавий аппаратуралар ва бошқа жиҳозларни ўрганиш ва баён қилиш;

– ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб  
илмий-тадқиқотларни ўтказиш;

– экспериментал тадқиқотлар натижаларига ишлов бериш, уларни  
тахлил қилиш ва ақс эттириш, хулосалар чиқариш, илмий мақолалар  
тайёрлаш, тавсияларни ишлаб чиқиш;

– мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини  
шакллантириш;

– фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган  
ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини  
бажаришда фойдаланишни назарда тутати.

### **Илмий-педагогик ишга бўлган талаблар**

Илмий-педагогик иш ОТМ ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш  
таълим муассасаларида ўтказилади. Шунингдек, мутахассислигига мос  
ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида ҳам ўтказилиши мумкин.

Илмий-педагогик иш икки тарафлама ва бошқа битимлар асосида хориж мамлакатлари олий таълим муассасаларида ҳам ўтказилиши мумкин.

*Илмий-педагогик иш:*

– замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбияўларининг интерактив усулларидадан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириш;

– ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш, ўқув ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим;

шунингдек:

– махсус фанлар бўйича машғулотларнинг ҳар хил турлари: маърузалар, амалий ва бошқа машғулотларни ўтказиш бўйича стажировка;

– маъруза матнлари ва машғулотларни ўтказиш режаларини тузиш;

– янги педагогик ва ахборот технологияларни ўрганиш ва қўллаш;

– талабалар билимини баҳолашда рейтинг-назорат тизимини қўллаш;

– талабалар мустақил ишини ташкилий ва ўқув-методик таъминлашни ўрганиш;

– услубий кўрсатмаларни тузиш;

– тарбиявий ишларни ўтказишни назарда тутати.

### **Илмий семинарда бўлган талаблар**

Илмий семинар магистратура талабаларида тадқиқот ишларини олиб бориш ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаш кўникмаларини шакллантиришга, магистрантнинг назарий-методологик тайёргарлигини чуқурлаштириш ва йўналтиришга, илмий-тадқиқот фаолияти технологияларини амалий эгаллашларини таъминлашга йўналтирилган. Илмий семинарнинг асосий мақсади магистратура талабаларида илмий коммуникация кўникмасини шакллантириш, илмий-тадқиқот иши натижаларини унинг турли босқичларида муҳокамасини ташкил этишдан иборат. Илмий семинар ОТМ да ёки ЎзФА ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида 1, 2, 3 семестрлар мобайнида ўтказилади.

*Илмий семинар:*

– магистрлик диссертацияси мавзуи бўйича манбаларни (дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий монографиялар, мақолалар, маърузалар, услубий адабиётлар ва х.к.) ўрганиш;

– маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

– амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўйича маъруза тайёрлаш ва илмий семинарда маъруза қилишни назарда тутати.

### **Илмий амалиёт (Стажировка).**

Илмий амалиёт илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини бажариш жараёнида амалга оширилади. Илмий амалиёт (Стажировка) магистратура мутахассислиги бўйича мақсадли касбий таълим ўқув режа ва дастурларини ўзлаштириш, магистратура талабаларида илмий-тадқиқот компетенцияларини шакллантириш, таълимни фан ва ишлаб

чиқариш билан интеграциясини ривожлантириш йўли орқали магистрлар энг янги илмий-техник ривожланишдаги ютуқлар ҳамда иқтисод, фан, техника, маданият ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги замонавий техника ва технологиялар базасида илмий тадқиқот ишлари, тақозо этганда индивидуал илмий изланиш ва тажриба-синновларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

Стажировка:

- илмий тадқиқот олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириши;
- Жаҳон тарихи соҳаси ва бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологияларда қўлланилиши билан таништириши;
- амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириши;
- касбга самарали мослашувни таъминлаши лозим.

Бунда стажировкага йўланган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажариши кўзда тутилади. Стажировкани таниши эғни тартиб-қоидалари амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат (Низом) асосида олиб борилади.

**Магистрлик диссертациясига бўлган талаблар**

Магистрлик диссертацияси мавзулари соҳанинг ривожланиш истикболи ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда қадрлар буюртмачиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг мутахассислар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Магистрлик диссертацияси мавзусини танлаш ва илмий раҳбарни тайинлаш биринчи ўқув йилининг биринчи икки ойи давомида амалга оширилади. Ишнинг бажарилиши мўс мутахассислик бўйича фан доктори илмий даражаси ёки мутахассислар тайёрловчи кафедра бўйича ушбу таълим муассасасида фаоллият кўрсатувчи илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ўқитувчи илмий раҳбарнингиди бажарилади. Илмий маслаҳатчилар сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюрослари ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали мутахассислари тақлиф қилиниши мумкин.

Магистрлик диссертациясининг мазмуни *тизимлаштирилган кўринишида* илмий-тадқиқот (ёки илмий-техникавий ечим) нинг дастлабки асосларини, унинг бажарилиб боришини ва олинган натижаларини қайд қилиши керак. Бунда илмий асослар (ёки илмий-техникавий ечимлар) ҳар тарафлама таҳлил қилиниши, мавжуд муқобил вариантларда кўриб чиқилиши ва улардан бирининг танланишига асосланиши лозим.

Магистрлик диссертацияси натижалари бўйича олинган маълумотни матн ёки кўرғазмалар материал кўринишида мустаҳкамланади, унда муаллиф томонидан мавзунинг назарий ёки амалий аҳамияти исботланади. Матн ва кўрғазмалар материал *дўжаси ва маълумотининг тавсифи* магистрлик диссертацияси мавзусининг йўналиши (илмий ёки илмий-техникавий) ва мутахассислар буюртмачилари талабларига боғлиқ ҳолда мутахассислар тайёрловчи кафедра томонидан белгиланади.



Белгиланган муддатда бажарилган магистрлик диссертацияси Давлат аттестацияси комиссиясига: илмий раҳбар хулосаси, соҳа бўйича илмий ходим ёки мутахассиснинг *таъқиқ тақриви* ва мос мутахассисликнинг магистр таълим дастури бўйича шахсий режа бажарилганлиги ҳақидаги *маълумотнома* билан бирга тақдим этилиши лозим.

Магистрлик диссертацияси Давлат аттестация комиссияси ва жамоа олдида очик ҳимоя қилинади.

5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича ишлаб чиқилган малака талабларининг бандларида бакалаврларнинг касбий фаолиятлари ва амалиётга қўйиладиган малака талаблари ҳамда муайян таълим тури, йўналиши ёки мутахассислигининг ўқув режасига киритилган фанлар истеъмолчи ва буюртмачи, хусусан илмий – тадқиқот ва илмий ишлаб чиқариш танкилотлари ва муассасалари тармоқлари танкилотларининг тақлиф ва мулоҳазалари асосида шакллантирилган.

Шунингдек, назарий таълимни, ўз билим ва кўникмасини мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқариш ва ижтимоий жараён хусусиятларини ҳисобга олган, замонавий ўқитиш усулларини эгаллаган, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда мультимедия таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда юкори касбий, илмий ва ўқув-услубий савияда ўтказилиши режалаштирилган амалиётлар ва уларни ўтатиш жойлари, белгиланган талабларга мос равишда танланган.

Йўналиш бўйича қўйилган талаблар доирасида магистрларнинг илмий тадқиқот амалиёти ЎзР ФА Тарих институти бўлимларида олиб борилишини режалаштириш илмий – тадқиқот ишлари илмий ечимини таҳлил қилиш, фаннинг муайян соҳасида чуқур касбий билим ҳамда илмий ва педагогик соҳада йетукларга эришилган муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Шу ўринда 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассислигининг ўқув режасида “Глобаллашув шароитида Европа ва Осиё мамлакатларининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги” (2.05) фани “Глобаллашув шароитида жаҳон мамлакатларининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги” деб номланган, мақсади мубофиқ бўлади.

Умуман олганда, ушбу малака талаби белгиланган талабларга мос тушган ҳолда ушунинг амалиёти жорий этиши мумкин.

ЎзР ФА Тарих институти  
директори, т.ф.д.

Р.М.Абдуллаев

**5120300 – Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши  
негизидаги 5A120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)  
магистратура мутахассислиги бўйича ишлаб чиқилган Малака  
талабларининг ишлаб чиқилишига  
ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

5120300 – Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши негизидаги 5A120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислигининг малака талаблари ишлаб чиқишда қуйидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 15 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3-сонли Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 12-сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғи каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланганлиги.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да узлуксиз таълимни яратиш ва ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган мақсад ва вазифалар эътиборга олинди.

Малака талабларида таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш учун миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш принциплари ҳисобга олинди.

Таълим жараёнида юқори малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида уларда жамиятда амалга оширилаётган янгиликларнинг ва тарихий

жараёнларнинг назарий-методологик асосларини чуқур таҳлил қилиш, мустақил фикрлаш билан мутахассислик йўналиши бўйича касбий билимлар юзасидан малакаси ва касбий нуфузининг шаклланиши таъминланиши эътиборга олинди.

*5A120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)* мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлашда бир қатор хорижий давлатлари магистрларни тайёрлаш дастурлари ўрганилди. Ўрганиш натижалари жадвалда келтирилган.

Таълим турлари ва босқичлари бўйича мутахассислик стандартининг келишилганлиги ва изчиллиги, шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди.

Таълим оловчилар тайёргарлигининг зарурий ва етарли билим даражасини ошириш мақсадида таълим фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиботи белгиланди;

Малака талабларининг технологиклиги - унинг бажарилишини назорат қилиш ва унинг меъёрлари ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, мутахассислик малака талабларининг ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди;

*5120300 – Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)* таълим йўналиши негизидаги *5A120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)* мутахассислиги Малака талабларига тажрибада текширувдан ўтган таълим, ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти фаолиятларининг илғор меёрлари киритилди.

*5120300 – Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)* таълим йўналиши негизидаги *5A120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)* мутахассислиги Малака талаблари Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини тўлиқ қониқтиради.

